



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 5 июль, № 137 (7367)

Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЗАМОНАВИЙ АГРОЛОГИСТИКА МАРКАЗЛАРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРАДИ

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёев  
4 июль куни қишлоқ хўжалиги  
маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш  
ва озиқ-овқат товарлари  
сифатини ошириш масалаларига  
бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда йилга 20 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилади. Лекин уларни саноат усулида қайта ишлаш даражаси атиги 15 фоиз бўлиб, шундан 7-8 фоизи экспорт қилинмоқда. Инфратузилма етарли эмаслиги туфайли йиғиштириш ва саклаш жараёнида 30 фоиз маҳсулот йўқотилмоқда.

Соҳадаги имкониятлардан оқилона фойдаланиб, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш кенгайтирилса, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш ва экспорт ҳажминини ошириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун, аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташини, саклаш, қайта ишлаш, қаддоқлаш ва экспорт қилиш жараёнини қамраб оладиган замонавий агрологистика марказларини қўлайтириш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда 31 та агрологистика маркази, 1 минг 500 та совиткич омбори бор. Уларда жами етиштирилган мева-сабзавотнинг 4,5 фоизинигина саклаш мумкин. Бу жуда кам, албатта.

Шавкат Мирзиёев озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлаш, бозорга доимий етказиб бериш учун кенг инфратузилма яратиш зарурлигини таъкидлади.

2025 йилга қадар совиткичлар сонини 4 минг 500 тага, агрологистика марказларини 140 тага етказиш вазифаси қўйилди. Осиё тарраққиёт банкининг имтиёзли кредити иштирокида Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида агрологистика марказлари барпо этиш, Жиззах, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида ҳам бу борадаги ишларни бошлаш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда маҳсулот етиштирувчилар билан қайта ишловчи корхоналар ўртасида кооперация алоқалари йўлга қўйилмагани кўрсатиб ўтилди.

Масалан, мева-сабзавотнинг 65 фоизи, гўшт ва сўт маҳсулотларининг 93 — 95 фоизи деҳқон хўжалиқлари ва аҳоли томорқаларида етиштирилмоқда. Бироқ шу маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар 50 — 60 фоиз қувват билан ишламоқда. Утган йили мева-сабзавотнинг 19 фоизи, гўшт ва сўт маҳсулотларининг 16 фоизини саноат даражасида қайта ишланган, холос.

Кооперация — аҳоли етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноатга жалб қилишни энг самарали йўли. Бу орқали, биринчидан, аҳоли даромадли бўлади, ик-

кинчидан, саноат узлуksиз хом ашё билан таъминланади, деди Президент.

Яна бир мисол. Одатда узум, қовун, тарвуз, қовоқ ва анорнинг уруғи ташлаб юборилади. Хорижда бу уруғлар қайта ишланиб, тансиқ маҳсулотлар тайёрланади. Хусусан, бир килограмм тарвуз уруғи ёғи жаҳон бозорини 28 доллар, анор уруғиники эса 350 доллар тўради. Юртимизда ҳам ушбу маҳсулотларни йиғиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилса, йилга 250 миллион долларлик экспорт бор портбо маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳар бир туманда қамиди бештадан қишлоқ хўжалиги кооперацияларини ташкил этиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари қўйилган қиймат солиғига ўтаётгани ишлаб чиқариш ва улгуржи савдонини ривожлантириш билан бирга, кооперацияни кенгайтиришга ҳам замин яратиши қайд этилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, ташқи бозордаги рақобатдошлиги малакали лаборатория текширувиги ҳам боғлиқ. Йиғилишда бу борада ҳам қилинадиган ишлар кўплиги кўрсатиб ўтилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини синаш бўйича Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига мос 775 та стандарт бўлса, мамлакатимизда уларнинг 100 таси жорий қилинган, 100 дан ортиқ лабораториялардан атиги 10 таси халқаро даражада аккредитациядан ўтгани танқид қилинди. Бу корхоналаримиз маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт товарларнинг эса сифатини текширишда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Шу боис "Ўзстандарт" агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли инспекцияларга озиқ-овқат сифати бўйича халқаро стандартларни 500 тага етказиш, тўлиқ синовлар ўтказиш имконига эга лабораториялар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Агросаноатни жадал ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги соҳасида мега лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Ў.А.

## ДУНЁ НИГОҲИ

### «Cotton Campaign» коалицияси Ўзбекистон учун ислохотлар «Йўл харитаси»ни чоп этди

Яқинда "Cotton Campaign" халқаро коалицияси томонидан "Ўзбекистон учун ислохотлар "Йўл харитаси" чоп этилди. Ундан урта асосий мақсад — тизимли



мажбурий меҳнатни тугатиш, тузилмавий ислохотлар ўтказиш, фуқаролик жамияти ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қатор тавсиялар ўрин олган.

Мазкур ҳужжат муносабати билан берилган пресс-релизда коалиция Ўзбекистонда мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича катта ўсишга эришилганини тан олган экан, юқориди саналган мақсадлар йўлида сезиларли натижалар қўлга киритилганини эътироф этган.

"Cotton Campaign" коалицияси Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида баён этилган ислохотларга тарихий содиқликни юксак баҳоламоқда. Хусусан, 2017 ва 2018 йилларда ёши катталарни оммавий меҳнатга жалб этишни тўхтатиш, шунингдек, пахта йиғим-теримда тизимли болалар меҳнатига чек қўйиш борасида юқори ўсишга эришилгани билдирилган.

Коалиция ҳаммуассиси Патриши Журевичнинг сўзларига кўра, кўрсатиб ўтилган "Йўл харитаси" Ўзбекистон ҳукумати билан келгусидаги ўзаро алоқалар учун пойдевордир. Зеро, у Ўзбекистон пахта-си, ундан тайёрланган маҳсулотлар, қолаверса, ўзбек тўқимачилик брендларига нисбатан бойкот масаласини ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Эслатиб ўтамиз, шу йил февраль ойида Ўзбекистон делегацияси "Cotton Campaign" коалициясининг йиллик йиғилишида илк бор катнашганди. Мазкур иштирок ҳуқуқни ҳимоя қилиш тузилмаси томонидан Ўзбекистон ҳукуматининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш

соҳасидаги энг нозик масалалар бўйича ҳам очик мулоқот ҳамда ўзаро конструктив алоқаларга тайёр эканлиги тасдиғи сифатида баҳоланган эди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон пахта-си ва тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан чекловларни бекор қилишга йўналтирилган ўзаро ҳамкорлик бўйича қўшма режани ишлаб чиқишга келишиб олинганди.

Бинобарин, Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчиси ҳамда давлат маъмуриятлари идоралари тегишли маърузаларида мамлакатимиз мажбурий меҳнатга қарши курашишда ўсишга эришганини эътироф этаётганини бир неча бор маълум қилди. АҚШ Меҳнат департаменти 2019 йил 25 март куни Ўзбекистон пахта-сини мажбурий ёки болалар меҳнати иштирокида етиштирилган маҳсулотлар "қора рўйхати"дан чиқарди. Қолаверса, АҚШ Давлат департаментининг мажбурий меҳнат масалалари бўйича 2018 йил июнь ойида эълон қилинган ҳужжати, одам савдоси бўйича маърузасида Ўзбекистон илк бор энг ёмон учта тўифадан чиқарилди.



## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётига доир бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.



## ҲУКУМАТ ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА ҚАНДАЙ ЖАВОБ БЕРДИ?

Таъкидланганидек, Ўзбекистон — маданий мерос объектларига, тарихий қиймати юқори иншоотлар ва манзилгоҳларга бой мамлакат. Неча минг йиллик ўтмишимизни ўзида мужассам этган осориатикаларини авайлаб асраш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда.

Мажлис кун тартибига киритилган масалалардан бири ҳам бевосита ана шунга боғлиқ бўлди. Яъни депутатлар моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, тарихий-маданий қийматига кўра ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси объектлари рўйхатига киритилган жойларда, уларнинг қўриқланадиган ҳудудларида моддий маданий мерос объекти ҳисобланмаган бино, иншоот ва бошқа объектларни руҳсатнома олмасдан қуриш ёки бузиш бўйича жавобгарликни кучайтиришни кўзда тутув-

чи "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Лойиҳа моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳамда давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш бўйича жавобгарликни кучайтиришни назарда тутди.

Шу билан бирга, мазкур қонун лойиҳаси моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни кўзлаб қилинган давволар ҳамда берилган аризалар юзасидан Умумий юрисдикция ва иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан овоз қилиш ҳамда бу борадаги қонун ҳужжатларини бузишга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича Маданий мерос департаменти, унинг ҳудудий бошқармалари мансабдор шах-

лари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳамда қонунда белгиланган тартибда судга қўриш таклиф қилинмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги муҳим роль ўйнавчи моддий маданий мерос объектлари, тарихий шаҳарлар ва манзилгоҳларини ишончли муҳофаза қилишни кучайтиради.

Шунингдек, мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг "Барқамол авлод" болалар бадий ижодиёт марказлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳамда "Умумтаълим мактабларида тиббий хизмат қўриқлини қўлайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги парламент сўровларига Бош вазир ўринбосари А. Абдуқоимовнинг жавоби ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.



## ТОШДАН ҚОҒОЗ ТАЙЁРЛАНАДИ



Муқимхон ҚОДИРОВ (ў.А.) олган сурат.

Фарғона шаҳридаги "Сайқал" масъулияти чекланган жамияти ва Хитойнинг "Hepan GX-Mach environmental Technology Co.LTD" компанияси ўртасида тошдан қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича қиймати 7 миллион долларлик тарихий шартнома имзоланди. Келишувга асосан, "Fergana stone paper company" Хитой — Ўзбекистон қўшма корхонаси таъсис этилди.

### Иновация

— Тарихий жараёнга гувоҳимиз, — дейди "Сайқал" масъулияти чекланган жамияти менежери Темур Акрамов. — Фарғонада МДХ мамлакатларида ягона бўлган тошдан қоғоз ишлаб чиқариш саноати ташкил этилган. 3 миллион 593 минг доллар эвазига ускуна ҳамда технологиялар олиб келинади ва бир йилда 9 минг тоннадан зиёд маҳсулот тайёрланади. Лойиҳа ташаббускори Абдурахмон

Ниёзовнинг айтишича, қоғоз тайёрлаш жараёнида экологияга ҳеч қандай зарар етмайди, балки оддий тош ёки кальцийдан фойдаланилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот экологик жиҳатдан тозаллиги билан фарқланади. Масалан, оддий қоғоз ишлаб чиқариш жараёнида целлюлоза ва катта миқдорда сув керак бўлади. Бироқ ана шу сувнинг учдан бир қисми захарли моддалар ҳисоблана-

ди. Тошдан қоғоз ишлаб чиқаришда эса сувга зарурат йўқ. Бундан ташқари, маҳсулот сувда эримайди, ёзувлар узоқ муддат давомида ўчиб кетмайди. Аллергик касалликларни келтириб чиқармайди. Таннархи оддий қоғозга нисбатан бир неча баробар арзон, сифати ҳам юқори.

Элёржон ЭХСОНОВ («Халқ сўзи»).

## ОДАМ САВДОСИ

оқибатларидан юртдошларимиз қанчалик хабардор?

Юртдошларимизнинг ҳаммаси ҳам одам савдоси тушунчаси, унинг оқибатларидан яхши хабардорми? Зеро, айрим фуқароларимиз ҳамон ёлловчилар "қармоғига илиниб", ушбу жиноят қурбонига айланишмоқда.

### Ижтимоий фикр

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Одам савдосига қарши курашиш — жамоатчилик фикри кўзгусида" мавзусида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, мамлакатимизда яшайдиган аҳолининг 18 ёш ва ундан катта бўлган вақилларидан 59,6 фоизи одам савдоси ҳақида яхши хабардор.

Респондентлар давлат раҳбари ташаббуси билан хорижда қўлиб кетган юртдошларимизни қайтариш ва реабилитация қилиш, қолаверса, жабрланганларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятга интеграциялашуви, жумладан, уй-

жой ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш чора-тадбирларини ижобий баҳоламоқда.

Сўровда иштирок этганлардан 33,9 фоизи фикрича, фуқароларни хорижга чиқиб кетишга ва иш излашга мажбур қилаётган омиллардан бири улар яшаётган жойда бандликни таъминлашга доир ўткир муаммолар мавжудлиги билан боғлиқ. Бу меҳнат миграциясида ўз аксини топяпти. Респондентлардан 23,7 фоизи жабрланганлардаги енгилтақлик, иродасизлик, ўзига ишонмаслик каби шахсий иллатлар уларнинг ёлланшига олиб келяпти, деб ҳисоблашади.



### Янгилик

## Юртимизда илк бор хусусий сектор илм-фанга инвестиция қиритади

Иновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Буюк Британиянинг "Petromaruz" компаниялар гуруҳи ўртасида нефть-газ, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилиш материаллари соҳаларида илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Хамкорлик меморандуми имзоланди.

Унга кўра, илмий-техник лойиҳалар танловлари учун "Petromaruz" компаниялар гуруҳи 3-4 млрд. сўм ва йил охиригача 15 млрд. сўм миқдорда маблағлар ажратишга, вазирлик ҳам, ўз навбатида, худди шундай миқдордаги улуш киритишга келишди.

Бугунги кунда Иновацион ривожланиш вазирлиги "Petromaruz" билан биргаликда илмий тадқи-

қот ишлари йўналишларини аниқлаб, тематик илмий тадқиқот ва иновацион лойиҳалар танловига лойиҳалар мавзуларини шакллантирди.

Меморандумга кўра, илмий тадқиқотлар харажатларининг 50 фоизи вазирлик томонидан — Давлат бюджети ҳисобидан тўланса, қолган 50 фоизи компания ҳисобидан қопланади.



### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

«Халқ сўзи»



Жорий йил январь — май ойларида саноат корхоналари томонидан

95,1 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

### АЙРИМ ТУРДАГИ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИГА ОИД КЎРСАТКИЧЛАР

ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР (маҳсус бўлмаган)	ЮК АВТОМОБИЛЛАРИ	АВТОБУСЛАР	АВТОМОБИЛЬ ДВИГАТЕЛЛАРИ	ТРАКТОРЛАР
98 780 дона	2 044 дона	762 дона	78 342 дона	338 дона
↑ 146,7%	↑ 1,9 баробар	↑ 3,5 баробар	↑ 153,7%	↓ 29,6%

Кўрсаткичлар 2018 йилнинг мос давридагига нисбатан қисқарган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.





# ҲУКУМАТ ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА ҚАНДАЙ ЖАВОБ БЕРДИ?

Ташкилдош жоизки, маъмур парламент сўровларида ёш авлод тарбияси, саломатлигини сақлаш юзасидан долзарб масалалар кўтарилган эди. Хусусан, «Баркамол авлод» болалар бадиий ижодиёт марказлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш билан боғлиқ қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги қайд этилган ҳолда, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича самарали тизим яратиш, замонавий инновацион тўғрисида барпо этиш, педагог ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, марказларнинг таъмир-таълаб биноларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустақамлаш, юридик макомини янада кучайтириш масалаларига Ҳукумат эътибори қаратилган.

Маъмур парламент сўровига Бош вазир ўринбосари томонидан берилган жавобда айни пайтда марказларнинг жиҳозлаш меъёрлари ишлаб чиқилгани, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, замона талаблари асосида янги инновацион тўғрисида ташкил этиш, педагогик ходимлар оилавий иш ҳақини боқимчаси ошириш, марказлар негизда ижодкор болалар мактабларини ташкил қилиш ишларини тизимли йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мақтабдан ташқари таълим тизимини тўқдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилгани ва тегишли муҳомадалардан ўтказилгани маълум қилинган.

Қайд этиш жоизки, таълим муассасаларида тиббиёт ходимлари фаолиятининг самарали ташкил этилиши воқеа етмаганлар ўртасида касалликларни эрта аниқлаш, профилактика қилишда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, иккинчи парламент сўровида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жойларга чиққан ҳолда ўтказилган ўрганишлар мобайнида умумтаълим мактабларида тиббиёт хизмат кўрсатиш талаб дара-

жасида ташкил қилинмаётгани қайд этилган эди. Хусусан, таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган шифокор ва ўрта тиббиёт ходими, яъни мактаб ҳамшираси штати тасдиқланган нормативларга нисбатан кам ажратилгани ёки айрим умумтаълим муассасаларида умуман штат бирликлари ажратилмагани ҳолатлари мавжуд. Шунингдек, тасдиқланган штат нормативларида умумтаълим мактабларида хизмат кўрсатадиган врач лавозимлари турлари, тиббиёт ходимлар учун штат бирликлари қишлоқ туманларидаги мактаблар ва шаҳардаги мактаблар учун турлича мактабларда белгилангани кўрсатиб ўтилган эди.

Бош вазир ўринбосари йўллаган жавобда умумтаълим мактабларида шифокор педиатр ва ҳамшира штатлари ажратилишида мавжуд номуносибликлар, айрим мактабларда умуман ажратилмагани ҳолатларини бартараф этиш мақсадида амалда бўлган вақтинчалик штат бирликлари меъёрлари, умумтаълим мактабларида малакали тиббиёт хизмат оилавий иш ҳақини боқимчаси ошириш, марказлар негизда ижодкор болалар мактабларини ташкил қилиш ишларини тизимли йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мақтабдан ташқари таълим тизимини тўқдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилгани ва тегишли муҳомадалардан ўтказилгани маълум қилинган.

Қайд этиш жоизки, таълим муассасаларида тиббиёт ходимлари фаолиятининг самарали ташкил этилиши воқеа етмаганлар ўртасида касалликларни эрта аниқлаш, профилактика қилишда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, иккинчи парламент сўровида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жойларга чиққан ҳолда ўтказилган ўрганишлар мобайнида умумтаълим мактабларида тиббиёт хизмат кўрсатиш талаб дара-

жасида ташкил қилинмаётгани қайд этилган эди. Хусусан, таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган шифокор ва ўрта тиббиёт ходими, яъни мактаб ҳамшираси штати тасдиқланган нормативларга нисбатан кам ажратилгани ёки айрим умумтаълим муассасаларида умуман штат бирликлари ажратилмагани ҳолатлари мавжуд. Шунингдек, тасдиқланган штат нормативларида умумтаълим мактабларида хизмат кўрсатадиган врач лавозимлари турлари, тиббиёт ходимлар учун штат бирликлари қишлоқ туманларидаги мактаблар ва шаҳардаги мактаблар учун турлича мактабларда белгилангани кўрсатиб ўтилган эди.

Бош вазир ўринбосари йўллаган жавобда умумтаълим мактабларида шифокор педиатр ва ҳамшира штатлари ажратилишида мавжуд номуносибликлар, айрим мактабларда умуман ажратилмагани ҳолатларини бартараф этиш мақсадида амалда бўлган вақтинчалик штат бирликлари меъёрлари, умумтаълим мактабларида малакали тиббиёт хизмат оилавий иш ҳақини боқимчаси ошириш, марказлар негизда ижодкор болалар мактабларини ташкил қилиш ишларини тизимли йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мақтабдан ташқари таълим тизимини тўқдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилгани ва тегишли муҳомадалардан ўтказилгани маълум қилинган.

Қайд этиш жоизки, таълим муассасаларида тиббиёт ходимлари фаолиятининг самарали ташкил этилиши воқеа етмаганлар ўртасида касалликларни эрта аниқлаш, профилактика қилишда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, иккинчи парламент сўровида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жойларга чиққан ҳолда ўтказилган ўрганишлар мобайнида умумтаълим мактабларида тиббиёт хизмат кўрсатиш талаб дара-

жасида ташкил қилинмаётгани қайд этилган эди. Хусусан, таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган шифокор ва ўрта тиббиёт ходими, яъни мактаб ҳамшираси штати тасдиқланган нормативларга нисбатан кам ажратилгани ёки айрим умумтаълим муассасаларида умуман штат бирликлари ажратилмагани ҳолатлари мавжуд. Шунингдек, тасдиқланган штат нормативларида умумтаълим мактабларида хизмат кўрсатадиган врач лавозимлари турлари, тиббиёт ходимлар учун штат бирликлари қишлоқ туманларидаги мактаблар ва шаҳардаги мактаблар учун турлича мактабларда белгилангани кўрсатиб ўтилган эди.

Бош вазир ўринбосари йўллаган жавобда умумтаълим мактабларида шифокор педиатр ва ҳамшира штатлари ажратилишида мавжуд номуносибликлар, айрим мактабларда умуман ажратилмагани ҳолатларини бартараф этиш мақсадида амалда бўлган вақтинчалик штат бирликлари меъёрлари, умумтаълим мактабларида малакали тиббиёт хизмат оилавий иш ҳақини боқимчаси ошириш, марказлар негизда ижодкор болалар мактабларини ташкил қилиш ишларини тизимли йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мақтабдан ташқари таълим тизимини тўқдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилгани ва тегишли муҳомадалардан ўтказилгани маълум қилинган.

Қайд этиш жоизки, таълим муассасаларида тиббиёт ходимлари фаолиятининг самарали ташкил этилиши воқеа етмаганлар ўртасида касалликларни эрта аниқлаш, профилактика қилишда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, иккинчи парламент сўровида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жойларга чиққан ҳолда ўтказилган ўрганишлар мобайнида умумтаълим мактабларида тиббиёт хизмат кўрсатиш талаб дара-

# Кичик саноат зоналари: 2022 йил 1 июлга қадар Ер ва мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинади

Юртимизда 150 та кичик саноат зонаси ташкил қилинган. Улар зиммасига янги турдаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш масъулияти юклатилган. Бундан ташқари, кичик корхоналарни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Худудларда ҳар йили жами 1,7 триллион сўмдан ортқ қийматдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига эга 1 минг 691 кичик корхона фаолият юритмоқда.

## Депутат фикри

Аммо бу кичик саноат зоналарининг салоҳиятидан тўлақонли фойдалана олмагани, дегани эмас. Давлатимиз раҳбарининг «Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан уларни ислоҳ қилиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ҳужжатда иштирокчиларга маҳсулотларни сотишга қўмаклашиш, инвестициялар жалб қилинишини фаолаштириш, авваломбор, фойдаланилмаётган, фаолият юритмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизда импорт-бол маҳсулотлар тайёрлаш бўйича замонавий корхоналар ташкил этилишини жадаллаштириш белгилаб берилган.

Шунингдек, худудларда кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекциялар ташкил этилади. Эътиборлики, ер участкаларини бериш, кичик саноат зоналари худудида амалга ошириш унун инвестиция лойиҳаларини таллаш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар туман (шаҳар) ҳокимлигининг ер участкасини бериш тўғрисидаги алоҳида қарорини қабул қилмаган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида эркин иқтисодий зоналар ва кичик

саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари баённомалари шаклида расмийлаштирилмаган бўлди.

Ҳулоса қилиб айтганда, қабул қилинган ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши янги ва замонавий ишлаб чиқариш технологияларини кенг жорий этиш, иқтисодий тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда одамларнинг турмуш даражасини яхшилашга замин яратаяди.

Ақмал УМАРАЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

# Аҳоли бандлигини таъминлашга доир қонун янги таҳрирда ишлаб чиқилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2019 йил олти ойидagi фаолияти яқунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## Сарҳисоб

Йил бошидан буён қўмита аъзолари ўзи масъул этиб белгиланган 5 та қонун лойиҳаси устида иш олиб борди. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг устувор аҳамиятга эга бўлган конвенцияларини ратификация қилишга қаратилган «Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённомани (Женева, 2014 йил 11 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Халқаро меҳнат ташкилотининг саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли Конвенциясини (Женева, 1947 йил 11 июль) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Халқаро меҳнат ташкилотининг қишлоқ ҳўжалигида меҳнат ин-

спекцияси тўғрисидаги 129-сонли Конвенциясини (Женева, 1969 йил 25 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Қонунлар парламент қўли палатасининг янги йиғилишларида қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Шунингдек, «Наркологик ёрдам тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиладиган, мутасадди вазирлик ва идоралар билан келишилмоқда.

Қўмита аъзолари томонидан тегишли вазирлик ва идораларга, маҳаллий ҳокимликларга 20 та депутат сўрови юборилди, худудлардаги айрим муаммоларни ижобий ҳал этишга эришилди.

Бугунги кунда ҳалқимиз ижтимоий ҳаётда долзарб бўлиб турган меҳнат муносабатларига оид қонунчиликни такомиллаштириш

# БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ МАҚСАДЛИ САРФЛАНИШИ ЭНДИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА БЎЛАДИ

Ҳисоб палатасининг олий ташқи аудит ва молиявий назорат органи сифатидаги бугунги фаолияти мамлакатимизни ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантириш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Ҳисоб палатаси фаолияти молиявий назоратни амалга ошириш ёки текширишлар ўтказишдан иборат бўлмай, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий раванқ топтириш, худудлар салоҳиятини оширишга доир устувор вазифалар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг олий даражадаги ташрифлари давомида эришилган келишувлар ҳамда йирик инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижросини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш ҳам унинг асосий вазифалари сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси 2002 йилда ташкил этилган бўлса-да, бугунги кунга қадар маъмур тузилма фаолияти яхлит қонун билан тартибга солинмаган эди. Шу боис Ҳисоб палатаси фаолияти самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан унинг қонунчи асосларини мустақамлашни тақозо қилди.

Ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган, 8 боб ва 50 моддадан иборат «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги Қонун палата фаолиятини ташкил этиш, унинг функциялари, ваколатлари, назорат шакллари ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги масалаларини қамраб олган.

Қонунга қўра, Ҳисоб палатаси ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди, Президентга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси палаталарига ҳисобдордир. Қонунда Ҳисоб палатасининг йиллик ҳисоботлари Президент ва парламент палаталарига тақдим этилиши баробарида, оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши қатъий белгиланган.

## Янги қонун

лияти, жумладан, бюджет маблағлари сарфланиши хусусида аҳоли хабардорлигини таъминлаш ва жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қонун билан Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари сифатида бюджет лойиҳасининг шакллантирилиши ва унинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликларига мувофиқлигини таҳлил қилиш, давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан

таъминланганлигини аудит қилиш қабилар белгиланди. Бундан ташқари, Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ва асослигини баҳолаш ҳам унинг зиммасидаги масъулиятлардан бири.

Ҳисоб палатаси ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва ваколатлар доирасида дастлабки ҳамда яқуний назорат тарзида тафтиш, текшириш ва ўрганиш шаклида назоратни амалга оширади. Шу мақсадда тегишли кўрсатмалар ва тақдимномалар қабул қилади, шунингдек, тахлиллий маълумотлар ҳамда ҳулосалар тайёрлайди.

Маъмур Қонун 2020 йил 1 январдан қўра киради.

Мухомет ЖУМАГАЛДИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

# «Cotton Campaign» коалицияси Ўзбекистон учун ислохотлар «Йўл харитаси»ни чоп этди

## Йўл харитаси

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоботида қўра, Ўзбекистон ҳукумати 2018 йилда тизимли болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаган. Чунонинг, ўтган йили пахта йиғим-теримида иштирок этганларнинг 93 фоизи буни мажбуран қилмаган, талаблари, ўқитувчилар, шифокорлар ва ҳамшираларни ўшбу жараёнга жалб этиш тўхта-тилган. Демак, мамлакатимиз ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқ, Буни Вазирлар Мақжамасининг 2018 йил 31 майдаги тегишли қарорига мувофиқ, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш бўйича Республикаси идораларо комиссияси тузилгани, уларни имплементация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тасдиқланиб, амалга ошириляётгани ҳам тасдиқланди.

Зеро, Ўзбекистон жорий йил март ойида Халқаро меҳнат ташкилотининг «Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига қўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида»ги 144-сонли конвенциясини (Женева, 1976 йил 21 июнь), июнь ойида эса Халқаро меҳнат ташкилоти-

нинг 1930 йилдаги «Мажбурий меҳнат тўғрисида»ги 29-сонли Конвенциясига Баённомани (Женева, 2014 йил 11 июнь) ратификация қилди. Буларнинг барчаси мажбурий ёки бажариллиши шарт бўлган меҳнат хатарларини бартараф этиш, бу борадаги хавфни оширувчи омилларни аниқлаш, иш берувчиларни мажбурий ёки бажариллиши шарт бўлган меҳнатда иштирок этишларига йўл қўйма-лик бўйича ўқитиш ва хабардор қилишга йўналтирилган.

Мухтасар айтганда, «Cotton Campaign» коалицияси 2019 йилги пахта йиғим-терими мавсумида республикада бу борада улкан муваффақиятларга эришилшига ишонч билдираяпти. Коалициянинг фикрича, давлат сектори ёки хусусий корхоналар, агентлик ёки ташкилотлар ишчиларини пахта теришига сафарбар этмаслик, мажбурий меҳнат ҳолатларини текшириш ва шу каби қарорларга алоқаси бўлган барча мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, пахта етказиб бериш ҳажмларини бажармагани учун фермерлардан жарима ундиришни бекор қилиш ва ёл্লাш амалиёти шаффофлигини таъминлаш ана шу ютуқнинг асосий кўрсаткичларига айланаяди.

# ОДАМ САВДОСИ Оқибатларидан юртдошларимиз қанчалик хабардор?

## Оқибатларидан юртдошларимиз қанчалик хабардор?

Фуқаролар мажбурий меҳнатга дучор бўлган соҳалар сифатида қурилиш ва қишлоқ ҳўжалиги жаҳалари кўрсатиб ўтилган. Хусусан, Қозғистонга чиқиб кетган ватандошларимизнинг 50 фоизи қишлоқ ҳўжалиги, 37,5 фоизи қурилишга жалб этилган. Меҳнат эксплуатацияси бўйича Россиядаги кўрсаткичлар ҳам деярли шундай. Тадқиқотда қатнашганларнинг 55,6 фоизи қурилишга, 22,2 фоизи чорва молларини боқиб учун олиб кетилган. Сўров натижасига қўра, БААГА мамлакатимиздан чиқиб кетганларнинг 33,3 фоизи жинсий эксплуатацияга дучор бўлган, яна шунчаси аграр соҳада ишлаган.

Фуқаролар мажбурий меҳнатга дучор бўлган соҳалар сифатида қурилиш ва қишлоқ ҳўжалиги жаҳалари кўрсатиб ўтилган. Хусусан, Қозғистонга чиқиб кетган ватандошларимизнинг 50 фоизи қишлоқ ҳўжалиги, 37,5 фоизи қурилишга жалб этилган. Меҳнат эксплуатацияси бўйича Россиядаги кўрсаткичлар ҳам деярли шундай. Тадқиқотда қатнашганларнинг 55,6 фоизи қурилишга, 22,2 фоизи чорва молларини боқиб учун олиб кетилган. Сўров натижасига қўра, БААГА мамлакатимиздан чиқиб кетганларнинг 33,3 фоизи жинсий эксплуатацияга дучор бўлган, яна шунчаси аграр соҳада ишлаган.

Респондентлар фикрлари асосида одам савдоси қурбонининг тахминий ижтимоий-психологик портрети яратилди. У 21 — 30 ёшлардаги таълим даражаси паст бўлган эркак ёки аёлдир. Яна кўп пул топишни мақсад қилган одам. характери бўйича сода ва ишонувчан, маданияти хаминкадар ва ёт таъсирларга осон берилувчан, чегараланган ҳаётий таърибга эга, аниқ мутахассислиги, касби бўлмагани учун ҳар қандай ишни қилиб кетишга тайёр шахс.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, меҳнат муҳожирлари кўпинча сода бўлишади. Уларнинг ҳар бири ҳам шахсий хавфсизлиги

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида С. МАХСУМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

# Юртимизда илк бор хусусий сектор илм-фанга инвестиция қиратади

## Илм-фанга инвестиция қиратади

Ривожланган мамлакатларда илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг салмоқли қисми — тахминан 60 фоизи саноат компаниялари улушига тўғри келади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич атиги 8 фоизни ташкил этади.

Бу юртимиз илм-фанга хусусий сектор томонидан билдирилган катта ишончдир, — дейди инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмонов. — Ҳозир мамлакатимизда кластер тизимини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилямоқда. Мана шу тузилмаларга аниқ лойиҳалар устида ишлаётган олимларнинг бириктириб қўйилиши кластерлар ривожига замин яратаяди.

Саноатнинг асосий тармоқларида фаолият юритадиган ўнлаб корхоналарни ўзида бириктирувчи «Petromarg» компаниялар гуруҳининг Директорлар кенгаши раиси Муртазо Раҳматов кластерлар тизими ишлаб чиқаришни янги боқимча кўтараётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Бухорода ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластери қисқа муддат ичида ўз самарадорлигини кўрсатди.

«Халқ сўзи».

# Ўзбекистон делегацияси МАГАТЭда учрашув ўтказди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, «Ўзатом» агентлиги мутасаддиларидан иборат мамлакатимиз делегацияси Вена шаҳрида Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) масъуллари билан учрашув ўтказди. Унда Ўзбекистоннинг Австриядаги элчихонаси вакиллари ҳам иштирок этди.

## Ҳамкорлик

Доимий мулоқот ва ўз вақтида ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Австриядаги элчихонаси таркибида янги дипломат лавозим жорий қилинди. У МАГАТЭ билан ҳамкорлик учун масъул ҳисобланади. Ўз навбатида, «Саноатгеоконтехназорат» инспекцияси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига йаллантирилди. «Даватомназорат» департаменти штати ва ваколатлари кенгайтирилди. Шу йўл билан радиациявий ва ядро хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи орган кучайтирилди. Бу ўзгаришларнинг барчаси МАГАТЭ томонидан алоҳида эътироф этилди.

Музокаралар чоғида юртимиздаги биринчи АЭСни қуриш бўйича лойиҳани амалга ошириш доирасида ҳозиргача бажари-

рилган ишлар тақдими таъкидланди, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик тавсиялари бажарилиши юзасидан маълумот берилди.

МАГАТЭ Бош директори ўринбосари — Кафолатлар департаменти директори М. Апаро Ўзбекистон томонидан амалга оширилган ишлар, жумладан, маъмур йўналиш бўйича алоҳида дипломат тайинланганини қўриб баҳолади. Ўзбекистон ядровий регулятори — Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан ҳисобдорлигининг ўз вақтида тақдим қилишига умид билдириди.

— МАГАТЭ Ўзбекистоннинг ядровий технологияларни ривожлантириш сивасини тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва ҳар қандай камчиликларни бартараф этишда ёрдам кўрсатишга тай-

ёр, — деди М. Апаро. — Маъмур йўналишда амалга оширилган ишлар, олиб бориляётган саъй-ҳаракатларни маъқуллаш миз, уларни ижобий баҳолай миз.

Атом энергияси бўйича халқаро агентлигининг Операциялар департаменти директори Г. Боррозо Ўзбекистон томонидан ўзаро Битим доирасидаги мажбуриятларни бажариш юзасидан мақсадли қадамлар қўйилганлигини мавнун эканлигини билдириди.

Учрашув давомида МАГАТЭ томонидан ядро инфратузилмасини ривожлантиришга қўмаклашиш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Унда маъмур ташкилотнинг ядровий энергетика департаменти ядровий энергия дивизиони директори Х. Дохи, Ядровий инфратузилмани ривожлантириш секцияси ходими Ж. Хаддад (Ўзбекистон учун масъул) қатнашди.

Унда Ўзбекистоннинг Миллий ядровий-энергетик дастурини ривожлантириш масалалари, хусусан, АЭСни жойлаштириш учун майдон таллашда муҳандислик тадқиқотларини ўтказиш, кадрлар тайёрлаш, меъёрий-ҳуқуқий базани рив-

вожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

МАГАТЭ мута

Долзарб мавзу

Ўзбекистонлик олимлар томонидан яратилган илмий кашфиёт сўнги ўн йил мобайнида жаҳон нефть ва газ саноатида инқилобий ўзгаришлар ясаб, АҚШда сланецли нефть ҳамда газ ишлаб чиқаришнинг ноанъанавий технологиясини юзага келтиришда катта туртки бўлди. Бугун дунё нефтчиларида қайта қизиқиш уйғотаётган мазкур ихтиро академик Обид Ақромхўжаев ва шогирдлари А. Киршин, Ш. Амирханов томонидан яратилганини, эҳтисол, кўпчилик билмас керак. Гап шундаки, улар илк бор нефть-газ карбонгидрогенларини кереген таркибидида топишга муваффақ бўлдилар. Бу собиқ иттифоқ Фанлар академиясида 308, Ўзбекистон Фанлар академияси тарихида учинчи, нефть ва газ саноатида эса биринчи кашфиёт, деб тан олинган.



ЖАҲОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИДА

БУРИЛИШ ЯСАГАН КАШФИЁТ



Халқ сўзи Народное слово ТАНЛОВИГА

Олимлар нефть ва газнинг келиб чиқиш муаммолари устида деярли 150 йилдан буюн изланишлар. Аммо ҳалиям ер қобиғидаги нефть ҳамда газ генезиси масаласи бўйича ағона фикр мавжуд эмас. Илм аҳлининг бир гуруҳи нефть ва газнинг келиб чиқишини органик, бошқа бир гуруҳи эса ноорганик моддалар билан боғлайди.

Тўғри, нефть ва газ карбонгидрогенларининг органик йул билан пайдо бўлиши назарияси исботланган. Унга кўра, нефть ҳамда газ карбонгидрогенлари кислородсиз шароитда юқори ҳарорат ва босим таъсирида ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёси қолдиқларидан ҳосил бўлади. Аммо ноорганикларнинг нефть ва газ карбонгидрогенларининг генетик алоқаси ҳақидаги асосий саволга жавоб берилмаган эди. Бу эса ўтган асрнинг 60-йилларида ушбу масалага қизиқиш қайта кўчайишига сабаб бўлди.

Ноорганик назариянинг тарафдорлари карбонгидрогенлар тоғ жинслари таркибидида органик моддалар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ ва бу ноорганик карбонгидрогенларнинг чуқур қатламлардан, ҳатто мантияда миграция ёрдамида чўкинди тоғ жинслари коллекторларида тўпланиб, кейинчалик нефть ҳамда газ конларини ҳосил қилган, деган фикрни илгари суришди. Мантияда, бу жавоб тўғри эди. Шу нуқтага назардан органик моддалар билан боғлиқ бўлган генетик нефть-газ карбонгидрогенларини топиш керак эди. Аммо ўша пайтларда деярли барча бунга қарши бўлади. Улар "Сизнинг кўлингиздаги кўмирнинг қолдиғи, унда ҳеч қандай карбонгидрогенлар йўқ, улар кучли кислоталар билан ишлов берилганда эриб кетган. Шу сабабли бу йул билан олинган маҳсулот Россияда Эримай-

диган органик модда қолдиғи (ЭОМК) деб аталади, АҚШ ва Европа олимлари уни кереген деб аташди", дейди.

Ана шу баҳсли вазиятда О. Ақромхўжаев "Агар органик модда нефть ва газнинг онаси бўлса, унинг бағрида фарзанди, яъни карбонгидрогенлар бўлиши шарт", деган фикрда қатъий туриб олади. Бунга исботлаш мақсадида физиклар ҳамда геохимиклар билан маслаҳатлашиб, моддани атом ва молекуляр даражада тадқиқ қилишга қодир энг замонавий асбоб — масс-спектрограф танланди. Бу ишга фан номзоди Ш. Амирханов бошчилигида бир гуруҳ мутахассислар жалб қилинди. Улар масс-спектрографни чуқур вакуум шароитида ва 4 ҳарорат ораллигида (20 — 30 даража, 100 — 250 даража, 400 — 800 даража, 800 — 1100 даража) органик моддалардан ташкил топган керегени ўрганишга мос маҳсул қурилма ишлаб чиқишди. Пировадидида кўп ўтмай қўтилмаган натижани олишга мўяссар бўлишди.

Келтирилган ҳароратлар ораллиқларида карбонгидроген маҳсулотларининг лаборатория шароитида бир неча дақиқа вақт ичида олиниши билан улар миллион йиллар давомида босиб ўтаётган йўлни кузатиш, жумладан, нефть-газ карбонгидрогенларининг ҳосил бўлишидаги табиий жараёнлар моделини яратиш имконияти туғилди. Бунда органик моддалар ва ундан карбонгидрогенлар келиб чиқиши жараёнида вақт, босим ҳамда ҳароратнинг роли катта эканлиги аён бўлди. Лаборатория шароитида бир неча дақиқада органик модда сорбция қилинган карбонгидрогенларнинг чиқиши учун керак бўлган ҳарорат 30 — 250 даража бўлса, шу жараёнда ёши миллион йиллар билан ўлчанадиган геологик қатламларда анчагина паст

ҳароратда содир бўлиши аниқланди.

Бундай натижага келгунча собиқ иттифоқдаги нефть геологияси, геохимияси соҳалари тараққий этган шарҳлардан махсус комиссия ҳамда экспертлар келиб, чуқур текширишлар ўтказди, олинган тадқиқотлар натижаларини кўриб чиқди ва тан олишга мажбур бўлди. Унинг асосида нефть ҳамда газ она қатламларининг маҳсулот бериш босқичлари (фазалари: бошланғич, асосий, сўнги), микдор ва сифат жиҳатлари ишлаб чиқилди. Энг асосийси, нефть ҳамда газ захиралари ҳисобланадиган ноёб ҳажмий генетик усул пайдо бўлди.

Шундай қилиб, 1974 йилда Ўзбекистон нефтчилар мактабининг тадқиқотлари натижалари собиқ иттифоқнинг кашфиётлар ва ихтироларга масъул қўмитасига топширилди. Одатда, рўйхатга олинганидан сўнг бир йил мuddат ичида кашфиёт жамоатчилиги томонидан кўриб чиқилиб, қаршилар ёки давогарлар бўлмаса, тасдиқланган. Аммо бу гал ушбу жараён чўзилиб кетди. Узоқ торттишувлардан сўнг, яъни 1988 йил 6 декабрда қизгин баҳс-мунозаралар ва муҳокамалардан сўнг ёпиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан маъқулланди. Кашфиёт муаллифлари (О. Ақромхўжаев, Ш. Амирханов, А. Киршин) дипломлар топширилди.

Маъмур кашфиёт органик моддаларнинг эримайдиган қисмини, ҳусусан, керегени чет элда янада чуқурроқ ўрганишга катта ҳисса қўшди. У билан боғлиқ илмий ишлар АҚШ (Нью-Йорк, Вашингтон), Франция (Париж, Ницца), Венгрия (Будапешт) каби мамлакатларда инглиз, француз ва венгер тилларида чоп этилди. 1988 йилда ҳинд олимлари (Нью-Дехли, Бомбей, Калькутта)

О. Ақромхўжаевнинг Москвада чоп этилган китобини инглиз тилига таржима қилиб, Англияда (Оксфорд) нашр этишди. Органик моддалар таркибидидаги карбонгидрогенларни аниқлаш учун ишлаб чиқилган қурилма схемаси асосида Францияда таълиқ олим Б. Тиссо раҳбарлигида "Рок-Эвал" махсус қурилмаси ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш керакки, орадан 10 йил ўтиб, АҚШ нефть-газ геологиясининг машҳур геологари ҳамда геохимиклари Ж. Хант, Д. Верлан, М. Холбути ва бошқалар Ўзбекистон нефтчилар мактабидида ўрганилган икки ҳарорат ораллигида 30 — 250 даража ҳамда 300 — 800 даражада органик моддалардан содир бўлган жараёнларни тасдиқладилар. Уларнинг фикрига кўра, ҳарорат таъсири остида органик моддалардан 100 — 250 даража ҳароратда сорбция йўли билан олинган карбонгидрогенлар ажралади, 400 — 800 даража ҳароратда ажратилгани эса термолит туйғайли ва крекинг жараёни каби органик моддаларнинг кескин ўзгариш маҳсулидир.

Бугунги кунда нефть ҳамда газ тоғ жинсларида АҚШ ва Канадада сланецли нефть ҳамда сланецли газнинг янги конлари олинган нефть ва газнинг биоген келиб чиқиши тасдиқланишининг мутлақ далилидир.

Кейинчалик бу кашфиёт АҚШда сланецли нефть ҳамда газ ишлаб чиқаришнинг ноанъанавий технологиясини яратишда катта туртки бўлди. Маълумки, сланецли нефть тоғ жинслари таркибидида мавжуд бўлган керегендан олинди. Аслида, кереген маълум шароит ва даврда оддий нефтьга айланган органик моддadir. Сланецли нефтни қазиб чиқариш жараёнида

ноанъанавий горизонтал бургилаш технологиясини қўлланилади. Ушбу жараёни тезлаштириш мақсадида гидрозарба усулидан фойдаланилади, унинг таъсирида қатламда гидро-эрилиш вужудга келади. Сўнг қатламга юқори босимда иссиқлик, сув ва кум аралашмасидан ташкил топган махсус реагентлар билан ишлов берилади, натижада нефть

она қатламлари таркибидидаги керегендан нефть-газ карбонгидрогенлари чиқа бошлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, сланецли нефтни керегендан олиш технологиясининг илк назарий асослари Ўзбекистонда, Тошкент шаҳрида дунёда биринчи бўлиб академик О. Ақромхўжаев ва унинг шогирдлари томонидан экспериментал лаборатория-тахлил натижалари асосида яратилган, деб баралла айтиш учун асослар етарилди.

Алишер АҚРОМХЎЖАЕВ, геология-маъданшунослик фанлари номзоди.

МАДАНИЯТ хабарлари

Термиз шаҳридаги 2-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Камила Астанақулова Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган "Артист — 2019" халқаро фестивалининг "Я могу" лойиҳаси асосида ташкил этилган танловда академик хонандалик йўналиши бўйича муваффақиятли иштирок этди.

Хорижда — эътироф, Ватанда — рағбат

Камила учун бу йил ижодий ютуқлар йил бўлди. У Россиянинг "Голос дети" кўрсатувидида фаол қатнашиб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилди ва мамлакатимизда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

«Ўтмишга бир назар»

Жиззах вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи томонидан Шароф Рашидов тумани "Энержи" оромгоҳида "Ўтмишга бир назар" мавзусида тадбир ва кўчма кўргазма ташкил қилинди.

Унда оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган болажонлар, уларнинг ота-оналари ҳамда мутасаддилар иштирок этди. Кўргазмада вилоят тарихидан ҳикоя қилувчи қатор экспонатлар намойиш қилинди. Мутахассислар томонидан ҳар бир осориётқа ҳақида батафсил, болаларга хос тарзда тушунтиришлар берилди.

Хаёлотнинг турфа кўчалари

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Бадий кўргазмалар дирекцияси тўпламида сақланаётган Ўзбекистон санъати усталари ретроспектив кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

"Бизнинг мерос" туркумида ўтказилаётган ушбу лойиҳа мамлакатимиз рангтаъсир, графика ва ҳайкалтарош усталарининг ижодий ишларига бағишланди.

Намойиш этилаётган икки юздан ортиқ рангтаъсир асарлари, портретлар ва натюрморتلарга ишланган плэнэр этюдлари ва эскизларда расомларнинг ижодий маҳоратини кузатиш мумкин. Албатта, ушбу бадий ижод намуналари томошабинларни хаёлотнинг



турфа кўчаларига етаклайди. Кўргазма 12 августгача давом этади.

«Халқ сўзи».

ЭЪЛОНЛАР

ПОЙТАХТ ЮЗИДАГИ «ҲУСНБУЗАРЛАР»

Файласуфлар одам ёлғиз қолгандагина асл қиёфасида намён бўлади, деб ҳисоблайдилар. Ҳўш, бўш вақтларимизда нималар билан машғулмиз? Ёлғиз қолганимизда-чи? Бу саволларга ҳар биримиз, аввало, виждонимиз олдида жавоб беришимиз керак.

Мушоҳада

Асл қиёфамиз ҳақида бежиз гап очмадик. Бугун ораимизда шундай инсонлар борки, улар зоҳиран туппа-тузук кўринсаларда, аслида, ботинан жуда гарибдир.

Сўзларимизга ишонч ҳосил қилиш учун Тошкент шаҳри марказида Сайилгоҳ кўчасини бир бор сайр этсангиз, қиёфаси.

Бу кўча нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонлар кўп таширф бунорадиган манзил, десак янглишмаймиз. Мазкур ҳудудда жойлашган "Пойтахт савдо маркази"нинг орқа томонидаги кичик хиёбонда йўлақлар таъмирланиб, замонавий ўриндиқлар ўрнатилганга ҳали узоқ вақт бўлгани йўқ. Лекин бу ерга келган одамнинг хиёбондаги манзараларни кўриб, дили ҳудот бўлиши, шубҳасиз. Замонавий ўриндиқларга ёзилган тутуриклар дил номаларини чизилган алмойи-алжойи шакллардан таъбингиз ҳира тортади. Ян-янги ўриндиқларни синдирилиб, бежаб ташлангангани соғлом ақл эгалари қабул қила олмайд.

Хиёбондаги фаворалар ҳам мутасаддилар эътиборидан четда қолган. Уларнинг сувсизликдан қарқан ҳавзаларида турли чикиндилар, елим идишлари



ширинликлар қозғоғлари уюлиб ётибди. Юртимизда аномал иссиқ ҳарорат кузатилаётган айни кунларда ушбу фавораларнинг ишламаётгани ҳам кишини ўйга толдиради: ахир одамларга фойдаси теғмас, улар нима учун қурилган? Яна бир гал: Сайилгоҳ кўчасига кечки сайрга келган киши ажнабий аъёнлар ва ёт унурларга тўлиб-тошган томошаларни кўриб, уятдан кизариб қолиши мумкин. Мисоли илондек тўлғонаётган бу "уйинчи" ёшлар-

ни ким ёки нима рағбатлантираётган экан, деган ўй ўтади ҳаёлингиздан. — Улғимниқига меҳмонга келгандик, — дейди ўзини Манзура опа дея таништирган онахон. — Невадалар билан кенчи сайрга чиқдик. Сайилгоҳ кўчасида икки йил олдин бўлгандим. Қисса вақт ичида кўча қиёфаси анча ўзгарибди. Бу ерга келувчиларнинг дам олиши учун шароитлар яратилибди. Ўрнатилган ранг-баранг чироклар ён-атрофга ўзгача кўрк

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

«Katalak-PRESS» нашриёти қуйидаги китобларни чоп этди.

Ушбу китоблар бўйича муаллифлик ҳуқуқига эга шахслар нашриётимизга мурожаат қилишларини сўраймиз. Мурожаат учун: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: 93-508-19-49.

Table with 3 columns: №, Китоб муаллифи ва таржимони, Асар номи. Lists authors like Габриэль Гарсиа Маркес and their works.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «ЭЛ-ЮРТ УМИДИ» ЖАМҒАРМАСИ республика вазирлик, идора ва ташкилотлари мутахассислари учун эълон қилинган 2019 йилги стипендия танловининг якуний натижаларини маълум қилади.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) GEF агентлиги Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилган «Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш» миллий лойиҳаси доирасида ўтказилаётган «Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалари вазирлигининг маълумотлар базасини ишлаб чиқиш» бўйича танлов эълон қилади.

«Асака» акциядорлик тижорат банки Қуйидаги манзил бўйича таклифлар қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 67-уй. Таклифлар 2019 йил 14 июль куни соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

# ХАЛҚ БАНКИ ТАДБИРКОР ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШАББУСЛАРИ

## ДАВЛАТ МИКЁСИДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларнинг янги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Бинобарин, бугун юртимизда бизнес юритиш билан боғлиқ барча жараёни либераллаштириш, соддалаштириш, кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ҳар қачонгидан кучли. Бунинг натижасида жойларда қўллаб янги ишлаб чиқариш субъектлари ташкил этилиб, аҳоли бандлиги таъминланяпти, уларнинг турмуш даражаси тобора фаровонлашмоқда.

### Молия муассасаларида

Замонавий ишбилармонлар қаторида хотин-қизлар фаолиги кузатилаётгани эса янада диққатга сазовор. Бунда, табиийки, молия муассасалари, хусусан, акциядорлик тижорат Халқ банки жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.



Хоким ЙЎЛДОШЕВ оғини сурат.

Гап шундаки, банк томонидан давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида бугунги кунга қадар 1 минг 451 лойиҳа рўёбга 32,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани фикримиз тасдиғидир. Шу билан бирга, банк томонидан яна 89 лойиҳага 4,5 миллиард сўм миқдорда маблағ берилиши маъқулланган.

миқдориде очилган кредит линияси Халқ банки томонидан тақдим этилган ресурслар доирасида имтиёзли шартлар асосида ажратилган.

Яқинда эса Халқ банки билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ўртасида оила-сингиларимизга оилавий ҳамда хусусий тадбиркорликни ташкил этишда имтиёзли кредитлар ажратиш, аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантиришга моддий ва ташкилий қўмак бериш мақсадида 100 миллиард сўмлик битим имзоланди. Ушбу битимга биноан, Халқ банки уларнинг оилавий ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш баробарида, ташкилий қўмак беради. Анкироғи, шартномага кўра, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 100 миллиард сўм

жамоасига миннатдорлик билдирмади.

Гулолим Хўжамуродова нафақада. Шунга қарамай, тиним билмайди. Мавжуд муаммоларга бефарқ қараб туролмайди. Барпо этилаётган янги марказ ана шундай жонқуярлик самарасидир. Қувонарлиси, юртимизда бундай инсонлар кам эмас. Ташаббускор аёллардан яна бири Дилором Раҳматова бўлиб, у ҳам Халқ банкининг 27 миллион сўмлик кредити туфайли хусусий тадбиркорликни йўлга қўйди. Ҳозирги кунда унинг уй шароитида очган тикувчилик цехида 8 нафар аёл меҳнат қилмоқда.

— Очиғи, илгари кредит олишдан кўра, уни қайтаришни ўйлаб, иккиланардим, — дейди тадбиркор. — Чунки кредитнинг фоизи оз бўлмаса керак, деган ҳаёлда эдим-да. Йўқ, аслида бундай эмас экан. Банк ходимлари маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, кредит олиш ва қайтариш тартиблари, тақдим этилаётган имтиёзлар хусусида тушунча беришган, фикрим бутунлай ўзгарди.

Мана, иш бошлаганимга ҳам ярим йилдан ошди. Меҳнат қилиб, кредитларни ўз вақтида тўлаяпмиз. Айни пайтда Халқ банкидан яна маблағ олиб, фаолиятимизни кенгайтиришни режалаштириб турибман.

Акциядорлик тижорат Халқ банки тадбиркорларнинг, хусусан, ишбилармон хотин-қизларнинг ана шундай орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида бор имкониятларини ишга солаётир. Мухими, бунинг натижасида ишсизлар ишли бўлиб, хонадонларга барака қиряпти, одамларнинг ишбилармонлик қобилияти юзга чиқмоқда.

Д. МУРОДОВ.

Хизматлар лицензияланган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-4359-сонли қарорига биноан, бакалаврият, сиртки бакалаврият ва магистратуранинг янги ўқув режалари ҳамда дастурлари асосида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида 2019/2020 ўқув йили учун куйидаги бакалаврият, сиртки бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга тақлиф этади.

Институтнинг 2019/2020 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш қабул қўрсаткичларининг таълим йўналишлари ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши

№	Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида		Тўлов-контракт асосида				
				Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:		
					ўзбек	рус		ўзбек	рус	
<b>ОТМ бўйича жами:</b>				<b>930</b>	<b>250</b>	<b>198</b>	<b>52</b>	<b>680</b>	<b>522</b>	<b>158</b>
<b>шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича</b>										
1.	5232900	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	40	5	4	1	35	21	14	
2.	5310900	Метрология, стандартлаштириш ва махсулот сифати менежменти (соҳалар бўйича)	25	5	5	-	20	20	-	
3.	5313100	Автомобиль транспорти, йўл қурилиш машиналари ва жихозларининг эксплуатацияси (турлари бўйича)	220	60	48	12	160	127	33	
4.	5340600	Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт иншоотларининг турлари бўйича)	150	50	42	8	100	83	17	
5.	5341100	Қиймат инжиниринги	40	15	10	5	25	15	10	
6.	5341400	Автомобиль йўллари, кўприклар, туннеллар, йўлтуқазгичлар ва аэродромларни лойиҳалаш ва қуриш (турлари бўйича)	125	40	32	8	85	68	17	
7.	5341500	Шаҳар йўллари ва кўчалари	50	15	8	7	35	17	18	
8.	5341600	Автомобиль йўлларини ободонлаштириш ва архитектура-ландшафт лойиҳалаш	50	10	10	-	40	40	-	
9.	5620300	Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)	90	20	15	5	70	50	20	
10.	5620400	Йўл ҳаракатини ташкил этиш	25	5	5	-	20	20	-	
11.	5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	40	5	4	1	35	21	14	
12.	р/й	Автомобиль сервиси	75	20	15	5	55	40	15	

Бакалаврият таълим йўналишларига ҳужжатлар жорий йилнинг 15 июнидан 15 июлигача қабул қилинади. Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган жадвал асосида жорий йил 25 июлдан 20 августгача ўтказилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 20-уй. Телефонлар: 71-232-15-24, 71-233-14-58, 71-232-13-85.

### Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг 2019/2020 ўқув йилида сиртки бакалаврият таълим йўналишлари қабул қўрсаткичларининг таълим йўналишлари ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши

№	Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Тўлов-контракт асосида		
				Жами	шу жумладан:	
					ўзбек	рус
<b>ОТМ бўйича жами:</b>				<b>200</b>	<b>200</b>	<b>200</b>
<b>шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича</b>						
1.	5313100	Автомобиль транспорти, йўл қурилиш машиналари ва жихозларининг эксплуатацияси (турлари бўйича)	75	75	75	
2.	5341400	Автомобиль йўллари, кўприклар, туннеллар, йўлтуқазгичлар ва аэродромларни лойиҳалаш ва қуриш (турлари бўйича)	75	75	75	
3.	5620300	Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)	25	25	25	
4.	5620400	Йўл ҳаракатини ташкил этиш	25	25	25	

Сиртки бакалаврият таълим йўналишларига ҳужжатлар жорий йилнинг 15 июнидан 15 июлигача қабул қилинади. Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган жадвал асосида 25 июлдан 20 августгача ўтказилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 20-уй. Телефонлар: 71-232-15-24, 71-233-14-58, 71-232-13-85.

### Институтнинг 2019/2020 ўқув йилида магистрлар тайёрлаш қабул қўрсаткичларининг мутахассисликлар ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши

№	Шифр	Мутахассисликлар	Жами	Давлат грантлари асосида		Тўлов-контракт асосида				
				Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:		
					ўзбек	рус		ўзбек	рус	
<b>ОТМ бўйича жами:</b>				<b>96</b>	<b>81</b>	<b>61</b>	<b>20</b>	<b>15</b>	<b>11</b>	<b>4</b>
<b>шу жумладан, мутахассисликлар бўйича</b>										
1.	5А310601	Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (транспорт турлари бўйича)	20	20	15	5				
2.	5А310605	Ички ёнув двигателларини синаш ва улардан фойдаланиш	8	8	5	3				
3.	5А310607	Автотранспорт воситаларини синаш	5	5	3	2				
4.	5А340205	Кўприклар, туннеллар, метрополитен қурилиши (иншоотлар тури бўйича)	7	7	4	3				
5.	5А340602	Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт иншоотларининг турлари бўйича)	8	8	6	2				
6.	5А340801	Автомобиль йўллари ва аэродромлар (турлари бўйича)	10	10	7	3				
7.	5А341501	Шаҳар йўллари ва кўчалари	5	5	5					
8.	5А610101	Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)	5	1	1		4	4		
9.	5А620102	Ҳаракат хавфсизлиги ва уни ташкил этиш (транспорт турлари бўйича)	8	3	2	1	5	3	2	
10.	5А620301	Транспорт логистикаси	10	4	3	1	6	4	2	
11.	р/й	Интеллектуал транспорт воситалари	10	10	10					

Магистратура мутахассисликларига ҳужжатлар жорий йилнинг 1 июлидан 30 июлигача қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 20-уй. Телефонлар: 71-232-15-24, 71-232-09-99.

**«С and Н Industry» МЧЖ ХК**  
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).  
Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

**VOLVO махсус қурилиш техникалари**

Гилдиракли экскаваторлар      Занжирли экскаваторлар

**SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига кирди)**

Фронтал юклагичлар      Экскаватор-юклагичлар      Автогрейдерлар      Катоклар

Тақлиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади.  
Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзғариш» ҚФЙ, Белариқ маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).  
Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.

Махсулотлар сертификатланган.

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламаниз бўлиши мумкин эди!

**«Халқ сўзи»даги Реклама** — **Бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!**

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

**Халқ сўзи**  
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 52 227 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақида маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Ўзълор 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.  
Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буоқ Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6